

таклиф этилаётган методология зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, тузатишлар соҳасини аниқлаш ва аниқлаштириш, керакли маълумотларни тўплаш, тегишли ўзгартиришлар, яъни трансформация ёзувларини киритиш ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ишончилигини таъминлашга хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқот давомида таклиф этилган методика доирасида трансформацион тузатишларнинг асослилиги ва уларни ҳисоблашнинг тўғрилигини текширишни амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган назорат чоралари таклиф этилди:

– молиявий ҳисоботга киритилган тузатишларнинг мувофиқлигини баҳолаш;

– тузатиш бўйича ҳисоб-китобларга асосланган дастлабки маълумот ва тахминларни таҳлил қилиш;

– ҳисоб-китобларни арифметик текшириш;

– ҳисоб-китоб техникаси ва тузатишларни ўтган даврдаги ўхшаш маълумотлар ҳамда тармоқдаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар амалиёти билан таққослаш;

– трансформацияни амалга ошириш учун масъул шахслар томонидан ҳисоботга киритилган тузатишларни тасдиқлаш тартибини кўриб чиқиш;

– тузатиш суммаларини қайта ҳисоблаш ва натижалар билан таққослаш учун ҳисоботда уларнинг акс этишини назорат қилиш.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

2. Чая В.Т., Чая Г.В. Международные стандарты финансовой отчетности. ISBN 978-5-4252-0182-9. – 368 с.

3. Попова А.Х., Аркаути В.В., Икаева Л.Э. Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО): проблемы внедрения и трансформации российской отчетности. // Пространство экономики. 2013. № 4-2. С. 215-218.

4. Новые международные стандарты финансовой отчетности. Перемены в стандартах страхования. // Международный бухгалтерский учет. 2011. № 25. С. 2-5.

5. Житлухина О.Г. О месте и особенностях производных финансовых инструментов в системе финансовых инструментов в аспекте международных стандартов финансовой отчетности. // Инновационная наука. 2015. № 3. С. 24-27.

6. Ташназаров С.Н. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2016 й. 31-47-б.

7. Бабаев Ю.А., Петров А.М. Международные стандарты финансовой отчетности. Вузовский учебник. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 398 с. (Babaev Yu.A., Petrov A.M. International Financial Reporting Standards. University textbook. – М.: INFRA-M, 2012. – 398 p.)

8. Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.К. Банкларда бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари. – Т.: Молия, 2016. – 370 б. (Ibragimov A.K., Marpatov M.D., Rizaev N.K. National and International Standards of Accounting in Banks. – Т.: Finance, 2016. – 370 p.)



### ФИРИБГАРЛИК РИСКНИ БОШҚАРИШДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Абдиева Наргиза Шухратовна** -  
Тошкент молия институти докторанти,  
Аудит кафедраси доценти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a34](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a34)

**Аннотация.** Мақолада фирибгарлик riskини бошқариш, шу жумладан, фирибгарликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда ички аудитнинг аҳамияти ва роли очиб берилган. Фирибгарлик тушунчасига халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифлар таҳлил қилинган. Ички аудит томонидан фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш бўйича хорижий ва миллий олимлар илмий изланишлари ўрганилган ва ички аудит томонидан фирибгарлик riskини самарали бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** риск, ички аудит, riskларни бошқариш, фирибгарлик riskи, фирибгарлик учбурчаги.

### ЗНАЧИМОСТЬ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В УПРАВЛЕНИИ РИСКОМ МОШЕННИЧЕСТВА

**Абдиева Наргиза Шухратовна** -  
докторант, доцент кафедры “Аудит”  
Ташкентского финансового института

**Аннотация.** В статье раскрывается значение и роль внутреннего аудита в управлении риска мошенничества, в том числе в борьбе и предотвращении мошенничества. Проанализированы определения мошенничества международными организациями. Изучены исследования зарубежных и отечественных ученых по выявлению случаев мошенничества внутренним аудитом, также разработаны рекомендации по эффективному управлению риском мошенничества внутренним аудитом.

**Ключевые слова:** риск, внутренний аудит, управление рисками, риск мошенничества, треугольник мошенничества.

*Abdieva Nargiza Shukhratovna -  
associate professor of the department  
"Audit" of the Tashkent Institute of Finance*

**Annotation.** The article reveals the importance and role of internal audit in fraud risk management, including in the fight and prevention of fraud. The definitions of fraud by international organizations are analyzed. The studies of foreign and domestic scientists on the detection of fraud by internal audit have been studied, and recommendations on effective fraud risk management by internal audit have also been developed.

**Key words:** risk, internal audit, risk management, fraud risk, fraud triangle.

**Кириш.** Бугунги кунда ички аудитнинг натижавийлиги унинг ишини рискка йўналтирилган тарзда ташкил қилиш билан узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда. Яъни хўжалик юритувчи субъектда юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг олдини олиш ва уларни бошқаришга йўналтирилган ички аудит хизмати фаолиятининг самарадорлиги юқори бўлиши олиб борилган илмий изланишлар натижасида исботланган бўлиб, бошқарилиши муҳим бўлган ва бугунги кунда ўзига катта эътиборни жалб қиладиган энг муҳим рисклардан бири фирибгарлик рискидир.

Амалга оширилган фирибгарлик ҳолатлари натижасида корхона ва ташкилотлар моддий зарар кўриши, лойиҳаларнинг бажарилмаслиги, самарадорлик кўрсаткичларининг пасайиши ва умуман олганда, иқтисодийга салбий таъсир қилиши мумкин. Зеро, фирибгарлик юзага келган ташкилот нафақат моддий зарар кўриши, балки унинг обрўси ва имижига путур етиши ва бунинг натижасида ушбу ташилотга нисбатан ишонч йўқолиши оқибатида у мижозлари, ҳамкорлари, инвесторларини йўқотишига олиб келади.

Асосан, ташкилотларда фирибгарлик ҳолатлари корпоратив бошқарувнинг рискларни бошқаришга йўналтирилмаганлиги, назорат воситаларининг сустлиги ва бошқа бир қанча омиллар таъсирида амалга оширилишига имконият яратилади. Фирибгарлик ҳолатларининг олдини олишда корпоратив бошқарувнинг ички назорат тизими ишончли воситалари асосида фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган тарзда ташкил қилиниши катта роль ўйнайди. Бунда корпоратив бошқарувнинг бир бўлаги сифатида ички назорат тизими, яъни ички аудит хизмати фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш орқали фирибгарликка қарши курашиши хўжалик юритувчи субъект самарали фаолият юритишида катта аҳамиятга эга. Ушбу функциялар ички аудит хизмати зиммасига юклатилиши учун уларнинг хўжалик юритувчи субъектларда фирибгарликка қарши ишлаб чиқилган сиёсатда акценттирилиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан

биригаликда, ички аудит хизматининг корхона фаолияти, унинг ходимлари, унга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар билан яхши таниш-лиги фирибгарлик рискни бошқаришда унинг ташқи аудитга нисбатан имкониятларини кенгайтиради.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Фирибгарлик корхона ва ташкилотларнинг катта ёки кичиклиги, фаолият тури ва соҳаси, жойлашуви, ташкилий тузилмасига боғлиқ бўлмайди, яъни фирибгарлик ҳолатлари ҳар қандай ташкилотда бир ёки бир нечта шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

H.Westhausen ўз илмий изланишларида охириги йилларда бутун дунёда фирибгарлик аудити бўйича кўрсатилувчи хизматларга бўлган талаб ошганини таъкидлайди [16].

M.Bekiaris ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, содир бўлаётган молиявий инқироз ва беқарорлик ҳолатлари фирибгарлик билан боғлиқ жанжалларнинг кўпайишига олиб келиши, бу эса компаниялар учун ички аудит амаллари қўлланилишининг жуда муҳимлигини белгилашини баён қилган [2].

Фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг асосчиси ҳисобланган Лука Пачоли 15-асрнинг охирида молиявий ҳужжатларни ўғирлаш ва бузишнинг олдини олиш учун икки томонлама бухгалтерия ҳисобини яратган [7].

Машхур америкалик олим ва амалиётчи R.H.Montgomery аудитнинг асосий мақсадларидан бири сифатида фирибгарликни аниқлаш деб кўрсатган, шунингдек, у ўз китобида фирибгарлик турларини ва уларни аниқлаш учун аниқ тавсиялар келтириб ўтган [11].

1940 йиллардан бошлаб аудит назарияси ички назорат тизимининг самарали фаолияти "қўшимча назорат амаллари" ҳажмининг қисқартирилиши учун қўлланилиши мумкин деган тушунчалар билан бойитила бошлади.

1960-1980 йиллар давомида ички назорат тизими ҳолатининг баҳоси аудиторлик амалларини ва уларнинг ҳажмини аниқлашда асосий кўрсаткич сифатида қарала бошлади.

1972 йилдан бошлаб аудиторлик танлашнинг систематик методлари ва шунга мос ра-

вишда натижаларни баҳолаш бўйича эҳтимоллик моделлари фаол қўлланила бошлади.

1980 йилдан бошлаб аудиторлик рисқи модели аудиторлик амаллари турлари ва ҳажмини аниқлашда фаол қўлланила бошланди.

1992 йил COSO ташкилотининг рисқларини бошқариш моделининг ишлаб чиқилиши аудит рисқи модели талқинининг анча кенгайишига олиб келди [17].

Умуман олганда, бизнес аудитининг замонавий концепциясида аудит, авваламбор, тадбиркорлик рисқларини пасайтиришга қаратилган фаолият сифатида тушунилади.

Ички аудит томонидан фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш, фирибгарлик рисқини бошқариш борасида Alexandra Tieanu, Dan Swanson, Daniela Petraşcu, George Drogalas, James C. Paterson, Khairini Melinda, O.Monisola, R.H.Montgomery, K.Omoteso, Urton L. Anderson, B.V.Котов, A.B.Сметанко, Н.Ш.Хажимуратов ва бошқа кўпгина хорижий ва миллий олимлар илмий излаишлар олиб борган.

Urton L. Anderson ички аудитни қуйидаги формула кўринишида ифодалайди: “Ички аудит = ишонч, зийраклик ва объективлик”. Яъни бошқарув органи ва менежерлар ички аудитга бошқарув, рисқларни бошқариш ва ички назорат жараёнларининг самарадорлигига объектив ишонч ҳосил қилиш мақсадида таянади [15].

Руминия олимаси Daniela Petraşcu ўз илмий изланишларида ички аудитни бошқарувга ёрдам берувчи функция сифатида таърифлаган: “Ички аудит ташкилот бошқарувига фаолиятни самаралироқ бошқариш учун ёрдам функциясидир. У бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолайди ва унинг мақсади кўшилган қийматни яратишдир” [5].

Dan Swanson фикрича, фирибгарликка қарши курашишда ички аудит бошқарув ва кузатув кенгашига умумий унумдорликни қандай ва қаерда ошириш мумкинлиги тўғрисида қимматли маълумот бериши, бу эса узоқ муддатли истиқболда фирибгарлик рисқининг самарали бошқарилишига олиб келиши, шунингдек, ички аудит фирибгарликни аниқлаш бўйича малака, билим ва инструментларга эга шахсларни жалб қилиши ушлаб турувчи омил сифатида намоён бўлишини таъкидлайди [4].

George Drogalas, O.Monisola ва Daniela Petraşcu ўз илмий изланишлари натижасида “фирибгарликни аниқлаш ва ички аудит самарадорлиги ўртасида ижобий ўзаро боғлиқлик бор” деган хулосага келишган [5, 8, 10].

Рус олимларидан B.V.Котов эса “фирибгарлик ҳолатларининг аниқланиши аудит самарадорлиги мезони сифатида қаралмаслиги керак” деган фикрни илгари суради [17].

K.Omoteso ва M.Obalola илмий изланишларида “аудит учлиги”, яъни ички аудит, ташқи аудит ва аудит қўмитаси орасида шундай муносабат бўлиши керакки, ички назорат тизимини фирибгарликни аниқлаш ва унга қарши курашиш инструменти сифатида фаолият юритиши керак” деган хулосага келган [12].

Bedard ички аудитор молиявий хатоликларнинг, Dan Swanson, T.DeZoort ва P.Harrison каби олимлар эса ички аудитор фирибгарликнинг ҳам аниқланишида жавобгарлигини эътироф этади [1, 4, 6].

A.B.Сметанко ички аудитни фирибгарликка қарши курашишда корпоратив тизимида марказий ўринни эгаллаши, ички аудиторлар фаолияти эса белгиланган функция ва вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги асосий йўналишларда фирибгарликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилганлигини аниқлаган:

1) дивидендлар тўлашни минималлаштириш ва ўз капиталининг жозибадорлигини пасайтириш мақсадида фойда кўрсаткичларини атайлаб паст баҳоламаслик ва харажатларни кўпайтириш фактларини аниқлаш;

2) ташкилотнинг банкротлик хавфига олиб келиши мумкин бўлган шубҳали операцияларни амалга оширишнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш;

3) молиявий ҳисоботда фирибгарликнинг олдини олиш – ҳисобот кўрсаткичларини манипуляция қилиш;

4) компаниянинг қимматли қоғозлари (акциялари) ва ташкилотнинг корпоратив компьютер ахборот тизимига (маълумотлар базасига) киритилган маълумотлар билан компьютер фирибгарлигига (интернет фирибгарлигига) қарши курашиш;

5) ҳужжатларни ташкил этиш ва ихтисослаштирилган бухгалтерия дастурларига киритилган маълумотлар (бухгалтерия ҳисоби регистрлари, ҳужжатлар ва регистрлар) билан манипуляция қилиш, раҳбарият томонидан қасддан қалбакилаштириш фактларини аниқлаш;

6) фирибгарлар томонидан акциядорлар (инвесторлар) ва мансабдор шахсларга пора бериш орқали ташкилот активларини (капиталини) ўзлаштиришнинг фирибгарлик схемаларини амалга оширишнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш [14].

M.Button Буюк Британияда олиб борган изланишлари натижасида компанияларда фирибгарлик натижасида кўрилган зарар фирибгарликни аниқлаш учун сарф қилинган харжатлардан кам бўлганини аниқлаган. Яъни компанияга келтирилган зарарни бартараф этиш харажатлари ўзлаштирилган миқдордан ошганли-

гини, бу эса компанияга катта зарар келтирган-лигини таъкидлайди [3]. Бизнинг фикримизча, ҳар доим ҳам фирибгарликни аниқлаш, унга қарши курашишга сарф қилинган харажат фирибгарлик натижасида кўрилган зарардан кам бўлмаслиги мумкин, айниқса, йирик корпорацияларда фирибгарлик миқдори жуда катта бўлиш эҳтимоли юқори.

Миллий олимларимиздан Н.Хажимуратов илмий ишларида молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик ҳолатларини аниқлашда аудиторлик текширувнинг аҳамияти катталигини ёритиб берган [19]. Қуйидаги 1-жадвалда фирибгарлик тушунчасига халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифлар таҳлилини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

**Халқаро ташкилотлар томонидан “фирибгарлик” тушунчасига берилган таърифлар таҳлили**

№	Ташкилот номи	Келтирилган таъриф
1.	Ички аудиторлар институти (IIA-The institute of internal auditors)	Фирибгарлик алдаш, яшириш ёки ишончли бузиш билан тавсифланган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатдир. Бу ҳаракатлар зўравонлик ёки жисмоний куч таҳдидига боғлиқ эмас. Фирибгарлик ташкилотлар томонидан пул, мулк ёки хизматларга эга бўлиш, тўловлардан қочиш ёки шахсий ва бизнес манфаати мақсадида содир этилади [25].
2.	Халқаро сертификатланган профессионал бухгалтерлар ассоциацияси (AICPA – Association of International Certified Professional Accountants)	Фирибгарлик текширилган молиявий ҳисоботнинг жиддий ўзгаришига, яъни нотўғри кўрсатилишига олиб келадиган қасддан қилинган ҳаракатдир. Нотўғри маълумотлар ва уларнинг ўзгариши 2 хил, яъни молиявий ҳисобот билан боғлиқ фирибгарлик ва мулкни ноқонуний ўзлаштириш натижасида юзага келади [24].
3.	Фирибгарлик ҳолатларини аниқловчи сертификатланган экспертлар ассоциацияси (ACFE- the Association of Certified Fraud Examiners)	Фирибгарлик мансаб мавқеидан ўз манфаати учун қасддан суистеъмол қилиш йўли билан фойдаланиш ёки иш берувчи ташкилотнинг ресурслари ёки активларини ўзлаштиришидир [23].
4.	Тредуэй комиссияси Ҳомий ташкилотлар қўмитаси (COSO)	Фирибгарлик бошқа шахсларни чалғитишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бўлиб, натижада жабрланувчи зарар ва/ёки ҳуқуқбузар фойда кўради [21].

*Манба: ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.*

Ички аудиторлар институти бевосита халқаро даражада ички аудит фаолиятини сифатли ташкил қилишда ички аудитнинг халқаро стандартлар асосида профессионал даражада ташкил этилиши ва ички аудиторларнинг ташкилот рискларини қай тартибда бошқаришини баҳолаш учун етарли даражада билим ва малакага эга бўлиши кераклигини таъкидлайди (1210.A2) [25].

Хорижий олимлардан George Drogalas илмий изланишлари натижасида ушбу стандарт талабининг муҳимлигини илгари суради. У хўжалик юритувчи субъектларда фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш учун самарали ички аудит хизматининг ташкил қилиниши ва бунда ички аудиторларнинг юқори малакага эгаллиги ва жавобгарлиги муҳимлигини таъкидлайди [8].

Petrascu ва Tieanu ҳам ушбу илмий қараш тарафдорлари бўлиб, уларнинг фикрича, фирибгарликни аниқлашда ички аудитнинг роли уларнинг амалий қобилиятлари ва профессионал даражада тайёргарлигига боғлиқ бўлади [13].

James C. Paterson ўзининг “Lean auditing” номли адабиётида рискларни бошқаришнинг энг самарали усулларида бири ички аудитнинг

“учлик ҳимоя тизими” (бошқарув, талабларни бажариш функцияси ва аудит) тушунчаси асосида амалга оширилишидир, деб эътироф этади [9].

2120.A2 стандартида ички аудит аудитни режалаштириш ва рискларни баҳолаш орқали бизнеснинг қайси соҳаларида фирибгарлик rischi мавжудлигини инобатга олиши ва фирибгарлик ҳолатларининг амалга оширилиш имкониятини аниқлаш, ушбу соҳада назорат воситаларини текшириш ва тегишли равишда чоратадбирлар кўриши кераклиги келтирилган [25].

Ички аудиторлар институти ички аудитнинг рискларни бошқаришдаги ролини аниқлаш мақсадида қуйидаги 5 та асосий саволга жавоб берилиши кераклигини эътироф этади [25]:

1. Ташкилотда текширув методологияси ва стратегияни ўз ичига олган фирибгарлик ҳолатларига жавобан Режа ишлаб чиқилганми?

2. Ташкилотда фирибгарлик ҳолатлари бўйича ким текширувни амалга оширади?

3. Ички аудитга риск ҳолатлари мавжуд соҳаларни аниқлаш буюрилганми ва у ушбу соҳаларда назорат воситаларини текширадими? Фирибгарлик ҳолатлари содир бўлганда, ички аудит назорат воситалари нега ишламагани ва

уларни қандай қилиб такомиллаштириш мумкинлиги бўйича текширув олиб борадими?

5. Ички аудитга фирибгарлик ҳолатларини текшириш вазифаси юклатилганми, агар юклатилган бўлса, ички аудиторлар етарли билим ва малакага эгами?

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, фирибгарликнинг олдини олиш ички аудитнинг тўғридан-тўғри мажбуриятига кирмайди. Ушбу мажбурият ва жавобгарлик биринчи ўринда бошқарув зиммасида бўлиб, корхона бошқаруви томонидан фирибгарликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш сиёсати ишлаб чиқирилиши ва унда вазифа ва функцияларнинг аниқ тақсимланиши катта аҳамият касб этади.

Фирибгарлик объекти корпоратив бошқарув тизими элементига (жавобгарлик марказлари, бизнес-жараёнлар, қарорларни қабул қилиш) субъект томонидан наф олиш мақсадида йўналтирилган фирибгарлик ҳаракатлари бўлиб, унга ҳисобот, жамият акциядорлик капитали, бизнес-жараёнлар, фаолият натижаларини мисол қилиш мумкин.

Фирибгарлик субъекти актив ёки капитални ўзлаштириш мақсадида ноқонуний ҳаракатларни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсдир [18].


**Тадқиқот методологияси.** Мақолада мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилган бўлиб, назарий ва методологик асоси тадқиқот мавзусига оид илмий-методоло-

гик адабиётлар, илмий тадқиқот ишлари ва мақолалар ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий муносабатлар юзага келганидан бошлаб фирибгарлик ва шу билан бир қаторда хатоликлар амалга ошириб келинган. Ва ҳеч бир корхона ёки ташкилот фирибгарлик рискдан холи эмас. Бу ўринда фирибгарликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг қўлланилиши уларнинг олдини олишда ва бу билан боғлиқ рискни бошқаришда катта аҳамият касб этади.

Фирибгарлик, одатда, шахсий манфаатга эришиш мақсадида амалга оширилиши кузатилади. Ва фирибгарлик ҳолатлари орасида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг ўзгартирилиши, уларнинг бухгалтерия принципларига зид равишда тузилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бухгалтерия ҳисоботларининг ишончлилиги муаммоси доимо долзарб масалалардан бири бўлган. Чунки оддий ишчи-ходимдан тортиб, мулк эгаси, акционер ва инвесторлар, яъни молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар унинг ишончли бўлишини хоҳлашади.

Ушбу шахсий манфаат учун фирибгарлик ҳолатини бажариш учун турли хил сабаблар ва энг асосийси, бунга имконият ҳамда шароит бўлиши лозим. Фирибгарлик ҳолатларини содир этиш учун имкониятлар америкалик социолог ва креминолог Дональд Кресси томонидан ишлаб чиқилган “Фирибгарлик учбурчаги”да батафсил изоҳланган бўлиб, улар мотивация, рационализация (ўзини оқлаш) ва имконият-дир[15].



1-чизма. Фирибгарлик рискни юзага келтирувчи фирибгарлик учбурчаги

Манба: ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Фирибгарлик ҳолатларини аниқловчи сертификатланган экспертлар ассоциацияси (ACFE) ва Халқаро сертификатланган профессионал бухгалтерлар ассоциацияси (AICPA) ушбу фирибгарлик учбурчагини фирибгарлик riskини бошқаришга қаратилган бошқарувни ташкил қилишда қўллашни тавсия этади (1-чизма). Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизими паст даражада, яъни самарасиз ташкил қилиниши, бухгалтерия ҳисоби тизими тартибсизлиги, ҳисоб базаларининг кўплиги, инвентаризация ўтказилмаслиги, фирибгарлик riskини бошқаришга йўналтирилган бошқарув сиёсатининг ишлаб чиқилмаганлиги фирибгарлик ҳолатларини амалга ошириш учун имконият яратиб беради.

Фирибгарлик ҳолатларини содир этишга зарурат (масалан, оила эҳтиёжлари учун пул зарур ва ҳ.к.) ва шахснинг ўзини оқловчи сабаблар (мен бошқалардан кўп ишлайман, мен бунга лойиқман ва ҳ.к.) мавжуд бўлса-да, имконият мавжуд бўлмаса, фирибгарлик ҳолатини содир этиб бўлмайди. Бундан келиб чиқиб, фирибгарликнинг олдини олиш учун ички назорат тизимини самарали ташкил қилиш керак деган ҳулоса шаклланади.

Фирибгарлик ҳолатларини аниқловчи сертификатланган экспертлар ассоциацияси (ACFE – the Association of Certified Fraud Examiners) 2022 йил ҳисоботида куйидаги маълумотларни келтириб ўтган (2-жадвал) [22]:

2-жадвал

2022 йилда энг кўп амалга оширилган фирибгарлик ҳолатлари

№	Фирибгарлик ҳолатлари	Ғарбий Европа мамлакатлари	АҚШ ва Канада	Африка Сахари жануби	Ғарбий Осиё	Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	Лотин Америкаси ва Кариб денгизи	Шарқий Ев-ропа ва Мар-казий Осиё	Осиё – Тинч океани худуди
1.	Коррупция	44 %	37 %	62 %	71 %	59 %	59 %	64 %	57 %
2.	Активларни ўзлаштириш	24 %	18 %	19 %	15 %	17 %	15 %	23 %	17 %
3.	Тўлов счётларини қалбакилаштириш	19 %	24 %	19 %	18 %	15 %	13 %	26 %	20 %
4.	Пул маблағларини нақд қилиш билан боғлиқ схемалар	13 %	11 %	8 %	12 %	7 %	9 %	6 %	11 %
5.	Молиявий ҳисобот билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари	10 %	8 %	9 %	15 %	8 %	17 %	9 %	11 %
6.	Харажатларнинг қалбакилаштирилиши	10 %	17 %	6 %	10 %	9 %	2 %	6 %	15 %
7.	Тўлов чекларини қалбакилаштириш	9 %	15 %	10 %	5 %	6 %	5 %	5 %	9 %
8.	Нақд пул маблағларини ўзлаштириш	9 %	10 %	5 %	11 %	7 %	5 %	4 %	6 %
9.	Иш ҳақи билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари	8 %	16 %	5 %	4 %	9 %	4 %	5 %	11 %
10.	Skimming-тўлов карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари	7 %	13 %	7 %	10 %	9 %	7 %	8 %	9 %
11.	Касса аппаратидан пул маблағларини ўзлаштириш	3 %	4 %	1 %	2 %	4 %	3 %	4 %	2 %


**Манба:** Фирибгарлик ҳолатларини аниқловчи сертификатланган экспертлар ассоциацияси (ACFE- the Association of Certified Fraud Examiners) 2022 йил ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ҳеч бир ташкилот ёки давлат фирибгарликдан ҳимояланмаган. Фирибгарлик ҳолатлари катта ва кичик ташкилотларда ва ҳар қандай мамлакат ёки саноатда амалга оширилиши эҳтимоли юқори бўлиб, фирибгарлик riskини бошқариш бўйича чора-тадбирлар қўлланилиши унинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Тредуэй комиссияси Ҳомий ташкилотлар кўмитаси (COSO) фирибгарлик riskини самарали бошқаришда асосий тамойилларга риоя қилинишини илгари суради. COSO 2016 йилги Фирибгарлик хавфини бошқариш бўйича қўлланмада фирибгарлик riskини бошқаришда

ташкилотлар амал қилиши керак бўлган қуйидаги тамойиллар келтирилган (2-чизма).

1-тамойил. Фирибгарлик riskларини бошқариш. Ушбу тамойил шуни англатадики, ташкилотлар учун riskларни бошқариш ва бизнес-режаларнинг таъминланиши учун амалга оширилувчи фаолият турларини назорат қилиш учун мустаҳкам бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Фирибгарлик riskини баҳолаш корпоратив бошқарув ва ички назорат тизимининг ажралмас қисми бўлиб, бошқарув ва кузатув кенгаши манфаатдор томонлар олдида ташкилотнинг мақсадга етиши учун ўзининг вазибаларини, шу жумладан, юридик, ҳисобот ва фидуциар жавобгарлигини бажаришини аниқлайди.



2-чизма. Фирибгарлик рискинни бошқариш жараёни [21]

2-тамойил. Фирибгарлик рискинни баҳолаш. Фирибгарлик рискларини бошқариш дастури корхона бошқаруви томонидан рисклар олдиндан ўрганилмаса, муваффақиятли бўлмайди. Ташкилот даставвал унда содир бўлишга имконият бўлган фирибгарлик турлари ва сценарийларни аниқлаши зарур. Ушбу фирибгарлик турлари ёки сценарийлар бизнес моделига қараб бир ташкилотда бошқасидан омиллар таъсирида фарқ қилиши мумкин.

Фирибгарлик рискинни баҳолаш молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган фирибгарлик, активларнинг нотўғри ишлатилиши ва ноқонуний ҳаракатлар(шу жумладан, коррупция)ни ўз ичига олиши керак.

3-тамойил. Фирибгарликка қарши кураш фаолияти. “Фирибгарликка қарши кураш фаолияти ёки фирибгарликнинг олдини олиш ёки у юзага келган ҳолатларда уни тезкорлик билан аниқлашга мўлжалланган аниқ бир чора-тадбирлардан иборат жараёндир”.

Фирибгарлик рискинни бошқариш дастури фирибгарликнинг олдини олиш ва аниқлаш чора-тадбирлари ўртасида балансга эришилган тарзда тузилиши керак. Фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган профилактик назорат сиёсат, амаллар ва жараёнлар, ўқитиш ва алоқани ўз ичига олиши мумкин. Профилактик назорат фирибгарликнинг олдини олишда мутлақ ишончли таъминламаслиги ҳам мумкин, лекин у фирибгарлик рискинни минималлаштиришда энг зарур чоралардан бири ҳисобланади. Фирибгарлик тўғрисида ахборот бериш дастури каби профилактик чоралар фирибгарликка қарши курашишда муҳим омил ҳисобланади.

Одатда, ташкилот ва корхоналар фирибгарликнинг олдини олиш тарафдори бўлса-да, лекин амалиётда буни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли ҳам фирибгарликни аниқлашга қаратилган самарали воситаларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш катта аҳамият касб этади. Фирибгарликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар аниқланган фирибгарлик рискинни ва уни камайтиришга қаратилган амаллар схемаси ва улар учун жавобгар шахсларни тавсифлаш орқали ҳужжатлаштирилиши лозим.

4-тамойил. Фирибгарликни текшириш ва уни тўғрилаш. Назорат ҳаракатларидан фақат фирибгарликка қарши мутлақ эмас, балки оқилона кафолатли таъминлашини кутиш мумкин. Шундай қилиб, ташкилотнинг бошқарув кенгаши ташкилот томонидан талабларга риоя қилмаслик ва фирибгарлик содир этилганликда айблов ҳолатларини тезкор, малакали ва махфий равишда кўриб чиқиш, текшириш ва муаммони ҳал қилиш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этилишини таъминлаши лозим.

5-тамойил. Фирибгарлик рискинни бошқариш мониторинги бўйича чора-тадбирлар. Ушбу принцип ташкилотлар фирибгарлик рискинни мониторинг қилиш учун жорий ва даврий баҳолардан фойдаланиши мумкинлигини белгилайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилишимиз мумкинки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектга ички аудит хизмати корпоратив бошқарувни самарали ташкил қилиш, шу жумладан, харажатларни камайтириш ва уларнинг олдини олиш, даромадни максимал даражага етказиш, белгиланган режа

кўрсаткичлари ва мақсадларга эришиш, юзага келиши мумкин бўлган фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашишда зарур бўлган воситалардан биридир. Фикри-мизча, ички аудитнинг фирибгарлик рискинни самарали бошқариш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажариши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ички аудитни халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ва ички аудиторлар малакасининг фирибгарликни аниқлаш йўналишида доимий равишда оширилишини таъминлаш.

2. Ташкилотда фирибгарликка қарши курашиш сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва унда ички аудитнинг функциялари ва вазифалари аниқ белгиланиши:

– фирибгарлик ҳолатларини амалга ошириш имкони мавжуд бўлган соҳалар ва бизнес-жараёнларни белгилаб олиш;

– фирибгарлик ҳолатларини амалга ошириш учун қўлланилувчи методлар, схемалар ва сценарийларни ўрганиш;

– фирибгарлик белгиларини баҳолаш ва текширув олиб бориш керак ёки керак эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

– фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича назорат воситаларининг самарадорлигини баҳолаш;

– фирибгарлик ҳолатлари юз берганда, назорат воситаларининг ёрдам бермаганлиги сабабини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш;

– содир этилган фирибгарлик ҳолатлари бўйича юзага келган ўзгаришларни тўғрилаш бўйича оператив чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bedard J., Simnett R. & De Voe-Talluto J. "Auditors' consideration of fraud: How behavioral research can address the concerns of standard setters", *Advances in Accounting Behavioral Research*, vol. 4: 77-101. 2015.
2. Bekiaris M., Efthymiou T. & Koutoupis A. "Economic crisis impact on corporate governance & Internal Audit. The case of Greece", *Corporate Ownership, Control*, vol. 11(1): 55-64. 2013.
3. Button M., Blackburn D., Lewis C. & Shepherd D. "Uncovering the hidden cost of staff fraud: an assessment of 45 cases in the UK", *Journal of Financial Crime*, vol. 22(2): 170-183. 2015.
4. Dan Swanson. Swanson on Internal Auditing "Raising the Bar" 2010. ISBN 978-1-84928-068-6. 2015.
5. Daniela Petraşcu, Alexandra Tieanu *The Role of Internal Audit in Fraud Prevention and Detection. 21st International Economic Conference 2014, IECSC 2014, 16-17 May 2014, Sibiu, Romania. Procedia Economics and Finance* 16. 2014. 489-497.
6. DeZoort T. & Harrison P. "An Evaluation of Internal Auditor Responsibility for Fraud Detection", *The Institute of Internal Auditors Research Foundation*. 2008.
7. Epuran M., Baba V., Imbrescu C., *Teoria contabilităţii, Ed. Economică, Bucureşti, 2004.*
8. George Drogalas, Michail Pazarskis, Evgenia Anagnostopoulou and Angeliki Papachristou. *The effect of internal audit effectiveness, auditor responsibility and training in fraud detection. Accounting and Management Information Systems* Vol. 16, No. 4, pp. 434-454, 2017. DOI: <http://dx.doi.org/10.24818/jamis.2017.04001>.
9. James C. Paterson. *Lean auditing: driving added value and efficiency in internal audit.* © 2015 James C. Paterson. / *Risk & Assurance Insights Ltd. First edition published by John Wiley & Sons, Ltd. p.307. p.24.*
10. Monisola O. "Effect of internal audit on prevention of frauds, errors and irregularities in corporate organisation", *Research Journal of Finance and Accounting*, vol. 4(19): 103-108. 2013.
11. Montgomery R.H. *Auditing: Theory and practice.* – NY, Ronald Press Co. 1934.
12. Omoteso K. & Obalola M. "The role of auditing in the management of corporate fraud", *Ethics, Governance and Corporate Crime: Challenges and Consequences*, vol. 6: 129-151. 2014.
13. Petrascu D. & Tieanu A. "The role of internal audit in fraud prevention and detection", *Procedia Economics and Finance*, vol.16: 489-497. 2014.
14. Smetanko A.V. et al. *Риск-ориентированный внутренний аудит в системе идентификации признаков и причин мошенничества. / Finance and Credit*, 2018, vol. 24, iss. 13, pp. 755-766.
15. Urton L. Anderson, Vichat J. Head, Sridhar Ramamoorti, Cris Riddle, Mark Salamasick, Paul J. Sobel *Internal auditing. Assurance & advisory services. Fourth edition.* ISBN-13: 978-0-89413-987-1, p.1-2.
16. Westhausen H. "The escalating relevance of internal auditing as anti-fraud control", *Journal of Financial Crime*, vol. 24(2): 322-328. 2017.
17. Котов В.В. Выявление мошенничества как одна из задач аудита пробелы в российском законодательстве №1, стр. 388-390.
18. Сметанко А.В. Совершенствование процесса внутреннего аудита идентификации признаков мошенничества в системе корпоративного управления акционерным обществом. // *Экономічний часопис-XXI*.
19. Хажимуратов Н. Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – 66 б.
20. ACFE билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бошқарув бўйича йўриқнома, 2016 й.
21. COSO, *Fraud Risk Management Guide (The Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission, 2016).*
22. Профессинал фирибгарлик – 2022. Фирибгарлик ҳолатларини аниқловчи сертификатланган экспертлар ассоциацияси (ACFE – the Association of Certified Fraud Examiners) 2022 йил ҳисоботи.
23. <https://www.acfe.com/> – (БМТ ҳисоботи, 2016 й.)
24. <https://www.aicpa.org/home> – (240-сонли АХС).
25. <https://www.theiia.org/> – Халқаро ички аудиторлар институти расмий сайти.